

## ИЗВЕСТИЯ ВУЗОВ КЫРГЫЗСТАНА, № 3, 2021

*Мамажонов А.*

**ФЕРГАНА ӨРӨӨНҮНҮН ЭКОЛОГИЯЛЫК АБАЛЫНЫН «БАБУРНАМЕДЕ» СҮРӨТТӨМӨСҮ**

*Мамажонов А.*

**ФАРГОНА ВОДИЙСИ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИНГ «БОБУРНОМА» ДАГИ ТАВСИФИ**

*Мамажонов А.*

**ОПИСАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ В «БАБУРНАМЕ»**

*A. Mamazhonov*

**DESCRIPTION OF THE ECOLOGICAL STATE OF THE FERGHANA VALLEY IN «BABURNAME»**

**УДК:** 94(575) (092)

**Макалада** Фергана өрөөнүндөгү «Бобурнома»догу экологиялык кырдаал сүрөттөлөн, өрөөнүн бай түшүүмөдүү жасарыштышы жана экологиясы сүрөттөлөт, ал шарттарга жасара-ша провинция, кент, айыл, шаар, чеп, махалла, уламыштарда Ош аталашинын келип чыгышы, Фергана, Ош, Исфара жана Корагин аймактар деп аталаат, Ош облусунун айылдарынан чыккан Онджу-Туба, Навканد, Өзгөнд, Алатаң, ушул күнгө чейин ошол эле ат менен аталаат көненирээк Ош шаары Фергана өрөөнүнө жана Лангардан Ошко кетчүү жолдогу кыргыз айылдарынын дарбазасы, Фергана өрөөнүн жасарыштышы менен Индия эли табиаты жана экологиясы бир-бирине салыштыруу илийи негиздө баяндалган.

**Негизги сөздөр:** Фергана өрөөнү, экология, Борбор Азиянын бермети, провинция, кент, шаарча, айыл, чеп, тортүйгүч.

В статье описывается экологическая ситуация в Ферганской долине в «Бобурноме», описывается богатая плодородная природа и экология долины, которая в зависимости от условий выражается в виде провинции, кента, поселка, города, крепости, махалли, происхождение названия Ош в легендах, Фергана, Ош, Исфара и Корагин упоминаются как области, подробно описаны Онджу-Туба из сел Ошской области, Навканд, Узгенд, Алатаң, которые до сих пор носят одноименное название, город Ош воротами в Ферганскую долину и киргизские аулы на пути из Лангара в Ош, сравнение природы и экологии заявлено на научной основе.

**Ключевые слова:** Ферганская долина, экология, Жемчужина Центральной Азии, провинция, кент, городок, деревня, крепость, четыре тигич.

Маңолада Фарғона водийсідеги экологик ҳолаттинг «Бобурнома»даги тавсифи унда водийнин бой, сермахұл табиаты ва экологиясына жуда күттә тавсиф берилганды, Ўрта Осиё жавоҳири деб ном олган Фарғона водийси Сирдарёниң юқори оқымыда жойлашған йирик деңгөнчилик ҳудуд ҳисобланған, водий ахолисининг ўрта асрлардагы яшаш шароиттарыга қараб вилоят, ўрчин, қасаба, кент, күргөн, махалла тарзыда ифодаланғанлығы, ривояттарда Ўш номини келип чиқыши, вилояттар сифатыда Фарғона, Ўш, Исфара ва Қоратекин тилга олинғанлығы, Ўш вилояті көнтләридан Ўнжү Туба, бүгүнгі күнде ҳам шу ном билан аталағынан Навканд, Ўзган, Олатог кебіләр ҳам қайд қылғанлығы, Фарғона водийсінинг дарвозасы сифатыда Ўш шаҳри бўлғанлығи ва Лангардан Ўшга келиш йўлида жойлашған қирғиз овулларига батасын тавсиф берилган, ўрта аср Фарғона водийси ва

Хиндистан ахолиси, табиати ҳамда экологиясини тақъос-ланғанлыги илмий асосда баён этилган.

**Калим сўзлар:** Фарғона водийси, экология, Ўрта Осиё жавоҳири, вилоят, ўрчин, қасаба, кент, күргон, тўрт тигоч.

The state describes the ecological situation in the Fergana Valley in «Boburnoma», describes the rich fertile nature and ecology of the valley, which depends on the conditions of the province, horchina, village, city, fortress, makhalla, Osh, Isfara and Koragin are referred to as regions, described in detail Ondzhu-Tuba from the villages of Osh oblast, Navkand, Uzgend, Alataq, which until six have the same name, the city of Osh is the gateway to the Ferghana gate on the way, comparison of nature and ecology stated on a scientific basis.

**Key words:** Fergana Valley, ecology, Pearl of Central Asia, province, hedgehog, town, village, fortress, district, four trees.

Янги Ўзбекистон шароитида инсоният тарихи тараққиети тақдирига бутунлай янгича дүнёкараш, фикрлар нұқтаи назардан қаралмоқда. Янгиланаётган тарихий давр илм-фан, маънавият, маърифатчилик даври сифатида вужудга келмоқда. Ватанимиз ўтмишига, ўзимизнинг туғилиб ўсган шаҳар, кишлоқ, махалла гузарларимиз тарихи ҳамда унинг экологик ҳолатига қизиқиши ортиб бормоқда. Биз оламни тарих орқали, инсоният тарихи тараққиети босқичлари, эволюцияси орқали англаймиз. У орқали бугунги куни-мизнинг мазмун-моҳиятини тушуниб оламиз, эртанги кунга даҳлдор орзу-умид, мақсадларимизн белгилаймиз. Гап водий тўғрисида кетар экан Ўрта Осиё жавоҳири деб ном олган Фарғона водийси Сирдарёниң юқори оқимида жойлашған йирик деҳқончилик худудларидан бири ҳисобланади. Тарихнинг буюк қудрати, моҳияти мозийни ўрганиш, ёшларда экологик таълим-тарбияни шакллантириш орқали бугунни баҳолаш ўтган аср мутафаккирларини фикрларини мужассам эта олишимиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг - «Хозирги пайтда жамият ва цивилизациялар аввало ижтимоий қадриялар... буюк аждодларимиз бўлган мутафаккирларимиз асарларини, уларнинг бутун жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо хиссасини чукур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир» [1] -

## ИЗВЕСТИЯ ВУЗОВ КЫРГЫЗСТАНА, № 3, 2021

деганлари буюк аждодларимиз томонидан яратилган асарларни янада кенгрок ўрганиш, ундаги фикр ва гояларни ёшлар онгига сингдириш долзарб эканлигини күрсатмоқда. Ана шундай асарлардан бири буюк юртдошимиз Захириддин Мұхаммад Бобурнинг «Бобурнома» сидир.

«Бобурнома»ни ўқир эканмиз инсоннинг яшашдан асл мақсади - эзгу ишлар қилиб, муносиб фарзандлар тарбиялаб, яхши ном қолдириш, миллий қадриятларимиз, аждодлар рухига таяниш, аждодлар меросига ҳақиқий ворис бўлиш хислатларининг шаклланиб боришидир. «Бобурнома»да Фарғона во-дийсининг бой, сермаҳсул табиати ҳамда экология-сига жуда катта таъриф берилган.

Унда кўрсатилишича «Фарғона вилояти бешинчи иқлиминдур. Маъмуруннинг канорасида воқе бўлубтур. Шарқи Кошғар, гарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар, шимолида агарчи бурун шаҳрлар бор экандур, мисли: Олмолик ва Олимоту ва Янги ким, кутубларда Тарозкент битирлар, мўгул ва ўзбек жиҳатдин бу тарихда бузулубтур, асло маъмур қолмабдур. Муҳтасар вилояттур, ошлиқ ва меваси фаровон. Гирдогирди тоғ воқе бўлубтур. Фарбий тара-фидаким, Самарқанд ва Хўжанд бўлгай, тоғ йўқтур. Ушбу жонибтин ўзга ҳеч жонибтин қиши ёғий кела олмас. Сайхун дарёсиким, Хўжанд суйифа машҳур-дур, шарқ ва шимолий тарафидин келиб, бу вилоятнинг ичи бирла ўтуб, гарб сори оқар, Хўжанднинг шимоли Фанокатнинг жанубий тарафидинким, ҳоло Шоҳрухияга машҳурдур, ўтуб яна шимолга майл қилиб, Туркистон сори борур. Туркистондин хейли кўйироқ бу дарё тамом кумга сингар, ҳеч дарёға қотилмас [2].

Парчадан кўриниб турибдики, Сирдарёнинг қумда йўқолиши билан бирга уни «Икки сув ораси», (яъни Норин билан Қорадарё ўртаси) «Миёнрудон» номида ҳам учрайди. Бу мавзе Норин ва Қора дарё орасида бўлиб, шарқда Учқўрғон, гарбда Мингбулоқ-қача, яъни ушбу дарёлар кўшилган жойгача бўлган масоғани қамраб олган. Бу жойлар у даврда баҳор палласида ғоят гўзал, дов-дараҳт, бօғ-роғлар, оқар сувлар ниҳоятда сероб. Қир-адирлар кўкаламзорлашиб, лолақизғалдоклар билан копланган. Иламиш дарёси (яъни Қорадарё) шарқдаги тоғ-адирларга ёқ-қан қору ёмғирлар сувидан тўлиб-тошиб лойқаланиб оқади. Бундай кезларда от миниб сайр килиш жуда яхши бўлиб, бу жойлар овбоп бўлганлиги учун, улар қишини ов билан ўтказар эди.

«Иламиш (Ирамиш) дарёсининг яқинидаги қалин чангларда бугу, марал ва тунқуз кўп бўлур. Ушоқ-ушоқ чангларида қирғовул ва товушқон қалин бўлур. Пуштасида тулкуси бисёр бўлур, даркамин бўлур, тулкуси ўзга ернинг тулкусига бока югурук

бўлур. Бу қишлоқда эканда ҳар икки-уч кунда овға отланур эдим. Улуғ чангларни ўртаб, буғу-марал овлар эдук» [3].

«Бобурнома»да жуғрофик жойлар экологияси ва уларнинг табиати тўғрисида фикр юритилиб, водий аҳолиси яшаш шароитларига қараб вилоят, ўрчин, қасаба, кент, қўргон, маҳалла тарзида ифодаланади. Вилоятлар сифатида Фарғона, Ўш, Исфара ва Қоратегин тилга олинади. Ўрчин атамаси вилоятдан кичик, қасабадан каттароқ ҳудудга нисбатан кўлланиб, асарда Работи Сарҳанг, Рабатақ, Ўратепа, Хўқон, Олайлук сингари ўрчинлар қайд қилинган. Бобур Фарғона водийсидаги асосий шаҳарларни қасаба деб атаган. Қасабалар, яъни шаҳарлар еттига бўлиб, улардан бештаси: Андижон, Марғинон, Исфара, Хўжанд, Кандибодом Сирдарёнинг жануб томонида, иккитаси Ахси ва Косон дарёсининг шимол томонида жойлашган. «Бобурнома»да бу жойларнинг табиати, ҳавоси, сувлари, ҳайвоноти ва ўсимликларига ажойиб таъриф берилган.

«Бобурнома»да ёзилишича, Андижоннинг учта дарвозаси бўлган. Улар тунда ёпилиб, бомдод намозидан сўнг очилар, махсус тайинланган дарбозабонлар томонидан қўриқланар эди. Фарғона мулкининг пойтахти ўлароқ, Андижон Мовароуннахрда ўз даврининг нуғузли шаҳарларидан бирига айланган.

«Бобурнома»да водий вилоятларидан яна бири Ўш тўғрисида ҳам маълумот бериб, Ўш «Андижоннинг шарқи жанубий тарафидур, шарққа мойил, Андижондин тўрт йиғоч (йиғоч - 8 км.га тенг масофа ўлчови) йўлдир. Ҳавоси хўб ва оқар суйи фаровондур. Баҳори бисёр яхши бўлур. Ўшнинг фазилатида хейли аҳодис ворид бўлубтур. Қўргоннинг шарқи жанубий бир мавзун тоғ тушубтур, Бароқўхга мавсум. Бу тогнинг қулласида Султон Махмудхон бир ҳужра солибтур, ул ҳужрадин кўйироқ ушбу тогнинг тумшуғида тарих тўқкуз юз иккida мен бир айвонлик ҳужра солдим. Агарчи ул ҳужра мундин мурта-феъдур, вале бу ҳужра бисёр яхшироқ воқе бўлубтур: тамом шаҳр ва маҳаллот оёғ остидадур. Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтуб, Андижонга борур. Бу руднинг ҳар икки жониби богоғ тушубтур, тамом боғлари рудқа мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур. Бароқўх тоғи домана-сида шаҳр била тогнинг орасида бир масжид тушубтур, масжиди Жавзо отлиқ, Тоғ тарафидин бир улуғ шаҳжўй оқар. Ушбу масжиднинг ташқари сахни нишеброк, себаргалиқ, пурсоя, сафолик майдон воқе бўлубтур. Ҳар мусоғир ва раҳгузар келса, анда истироҳат қилур. Ўш авбошининг зарофати будурким, ҳар ким анда уйқуласа, ул шаҳжўйдин сув қуярлар. Умаршайх мирзонинг охир замонларида қизил била

## ИЗВЕСТИЯ ВУЗОВ КЫРГЫЗСТАНА, № 3, 2021

оқ мавжлиқ тош ушбу тоғда пайдо бўлди: пичок дастаси ва тақбанд ва баъзи нималар қилурлар, хейли яхши тошдур. Фарғона вилоятида сафо ва ҳавода Ўш чоғлик қасаба йўқтур» [2] - деб таърифланади. Шунингдек Ўш вилояти кентларидан Ўнжу Туба, бугунги кунда ҳам шу ном билан аталадиган Навканд, Ўзганд, Олатоғ каби кентлар ҳам «Бобурнома»да қайд қилинган.

Юқорида айтилгандек, Ўшдан оқиб ўтган Оқбўра дарёси Андижонгача келган. Бобур «Андижон руди» деб атаган Оқбўра дарёси қадимда Андижоннинг жануб томонидан айланиб оқиб, сўнгра шаҳар шимолида ғарбга томон бурилган ва ҳозирги «Окёр» томонга оққан-да Қорадарё рудхонаси (яъни поймаси)га бурилиб дарёга кўшилган.

«Бобурнома»да қайд қилинган Ўш ҳакида ривоятларда айтилишича, «Бир вактлар Занги отанинг қорамоллари хаддан ташқари кўпайиб кетган пайтда унинг подасини бир қўнгир буқа бошқариб юрар экан. Орадан йиллар ўтиб, қўнгир буқа ҳам қариб, қувватлизланиб, бутун подани бошқариб юриш, узоққа кетганда қайтариб келишга мадори етмай, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолибди. Пода эса ўз ҳолиша ўтлаб, аста-секин олис-олисларга жилиб кета берибди. Занги ота қараса подасининг боши Фарғонадан ўтиб, Андижондан ошиб қолган эмиш. Шу пайт Шош шаҳрини биқинидан Занги отанинг «Ўш-ш!» - деган овози эшитилибди, Шунда ҳозирги Ўш шахри ўрнида ўтлаб юрган пода Занг отанинг сасини (овозини) эшитиб орқасига қайтиб кетган экан. Занги отанинг овозини эшитган пода изига қайтган жой эса Ўш деб атала бошлабди» [4].

Бу жой номидан келиб чикиб, «Маъсир-и Бухоро»да Фарғона водийсининг дарвазаси сифатида Ўш шахри эслатилади ва Лангардан «Бобурнома»да тилга олинган Ўшга келиш йўлида жойлашган кирғиз огулларига батафсил таъриф бериб ўтилади. Бу асада Қашқар-Қўқон оралиғидаги турли худудлардаги қазилмалар ва табиий ероти бойликлари ва улардан фойдаланиш даражаси ҳакида фикр билдириб Шўрбулоқ, Қўрғошин деб аталган жойда маҳаллий кирғизлар томонидан қўрғошин қазиб олиниб Фарғона шаҳарларида сотилиши, Арчалик деб аталган жойда арчалар мўл эканлиги ва ундан маҳаллий ҳунармандлар фойдаланиши тўғрисидаги маълумотлар эътиборга лойикдир» [5].

«Бобурнома»да Фарғона водийси ва Ҳиндистон аҳолиси, табиати ва географик жойлашувининг экологияси таққосланиб, «Ҳиндистон элининг кўпраги коғир бўладур. Ҳинд эли коғирни хинду дерлар...,

Ҳиндустон кам латофат ер воқе бўлубтур. Элида хусн ийқ ва хусни ихтилот ва омизиш ва омаду рафт ийқ ва табъ ва идрок ва адаб ийқ ва қарам ва муруват ийқ ва ҳунарларида ва ишларида сиёқ ийқ..., яхши от ийқ ва яхши ит ийқ ва узум ва қовун ва яхши мевалар ийқ..., совук сув ва бозорларида яхши ош ва яхши нон ийқ ва хаммом ийқ ва мадраса ийқ...

Дарёларидин ва кора сувларидин ўзгаким, жарлар ва чуқурларда оқадур, боғ ва иморатида оқар сувлар ийқ. Ва иморатларида сафо ва ҳаво ва сиёқ ва андом ийқ... Ёғинларида бир замонда селлар келадур, ҳеч сув ийқ ерларда дарёлар оқадур. Ёғар маҳаллида ва ёғиб турғон маҳалларида ғариб яхши ҳаволар бўладур, андокким, ҳавонинг эътидоли ва латофати андин ўтмас. Айби будурким, ҳаво кўп пурнам бўладур [3] -деб таърифлангани бежиз эмас.

Бобур Ҳиндистонда жуда қиска муддатда бегона юртнинг шарт-шароитини ўрганиш, янги салтанатни мустаҳкамлаш қаби ишларга катта куч-матонат ва вақт сарфлади, бу ишлар билан ҳар қанча банд бўлмасин яратувчилик ва бунёдкорлик ишларига ҳам вақт ва имконият топсан олган.

Бобур иморатлар қурдиришдан ташқари карвон йўлларини тиклаш, ҳовуз, кудук ва ариқлар қаздириш ишлари билан шугулланган, ҳаммомлар барпо эттирган, Ҳиндистонда сув тегирмони ҳам курдирган [6, 89].

Хулоса қилиб айтганимизда, «Бобурнома»ни қомусий бир асар сифа-тида таърифланса ҳам ҳеч кандай муболага бўлмайди. Зоро, унда юртимизни жумладан водий худудларининг ўрта асрлар давридаги экологик ривожланиши, тарих илми, жуғрофияга оид воқеалар, жой номлари, табиат сарчашмалари, аҳолининг этник таркиби, бадиий шоирона лавҳаларда ўз аксини топган.

### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Шавкат. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент. «Ўзбекистон». 2017.
2. Bobur, Zahiriddin Muhammad. Boburnoma. Тошкент. «Yangi asr avlodи». 2015.
3. Бобур, Захирiddin Muҳаммад. Бобурнома. Тошкент. «Олдузча». 1989.
4. Ипак йўли афсоналари. Тошкент. «Фан». 1993.
5. Мавлонов Ўқтам. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. Тошкент «Академия». 2008.
6. Шамсутдинов Рустамбек ва бош. Кўхна ва навқирон Андижон. Тошкент. «Шарқ». 2010.
7. Абдуллаев Р.М., Сайдалиев М.Дж., Деконов У.А. Поэма Жусупа Баласагына благодатное знание – источник воспитания. Известия ВУЗов Кыргызстана. 2019. №. 10. С. 129-133.